



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 15 апрель, № 78 (8140)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА ҚАМРОВИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель кунин ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар ва жорий йилги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Бугун ахборот технологиялари ҳар бир жабҳага кириб борган. Бу соҳа ривожланса, бошқа соҳалар ҳам илгариларди, одамларга қулайликлар ошди.

Шу боис сўнгги йилларда инфратузилмани яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кўп ишлар қилинди. Хизматлар сифати ва кўлами сезиларли ошди.

Мисол учун, аҳоли масканларини мобил интернет билан қамраб олиш даражаси 2017 йилда 30 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 96 фоизни ташкил этмоқда. Ёки 2017 йилда соҳадаги экспорт ҳажми бор-йўғи 600 минг доллар бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 46 миллион долларга, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 16 миллион долларга етган.

IT-паркларда 11 минг нафардан зиёд ёшлар ишламоқда. "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўқиб чиққан ёшлар соҳа келажаги учун мустақам пойдевор яратмоқда.

Лекин ҳали муаммолар, ишга солинмаган имкониятлар ҳам кўп. Жумладан, худудларда оптик толали интернет камрови ва тезлиги талаб даражасида эмас. Магистрал автомобиль йўлларининг атиги 38 фоиз мобил интернет билан қамраб олинган. Соҳанинг ривожланиш ҳолати худудлар кесимида бир маромда эмас — IT-хизматларнинг 90 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади. Қорақалпоғистон, Андижон ва Сурхондарёда бу борадаги кўрсаткичлар жуда паст. Айрим вазирлик ва идоралар эски, ишонсиз ва ўзаро интеграция қилинмаган ахборот тизимларидан фойдаланиб келмоқда.

Йиғилишда шу каби камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, барча тармоқ ва худудларда рақамлаштиришни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни "драйвер" соҳага айлантириб, IT-хизматларни 2,5 баробар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш мақсади белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун Ўзбекистонни минтақавий IT-марказга айлантириш кераклигини таъкидлади.

Хизматлар кўламини мунтазам кенгайтириб бориш, соҳада экспорт ҳажмини шу йил якунига қадар 100 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди. IT-паркларга кўпроқ компанияларни жалб қилиш, масофавий хиз-

матлар марказлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу орқали яна 5 мингдан зиёд ёшлар юқори даромадли ишга эга бўлади.

Йиғилишда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастуридаги лойиҳалар ижроси ҳам таҳлил қилинди. Жорий йил якунига қадар 404 та худудий ва 133 та тармоқ лойиҳаси ишга туширилиши айтилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги яна 70 та хизматни Ягона интерактив давлат хизматлари порталига киритиш топширилди. Шу тарихида порталдаги жами хизмат турлари сони 376 та бўлади.

Шунингдек, пенсияга ариза бериш, шахсий гувоҳнома олиш, сурғурталаш каби яна 50 та хизматнинг мобил иловаси яратилди. Бу орқали давлат хизматида онлайн фойдаланувчилар сони 4 миллионга етди.

Телекоммуникация тармоғини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар кўп. Хусусан, бу йил 6 минг 800 та янги мобил станция ўрнатиш, 80 та олис қишлоқни алоқа тизимига улаш, оптик толали алоқа қамровини 80 фоизга етказиш, 60 фоиз магистрал йўлларини мобил интернет билан таъминлаш режалаштирилган. Тошкент вилоятида юқори қувватли Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ишга туширилади.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини трансформация қилиб, сифатли хизматлар экспорт қилувчи юқори технологик компанияга айлантириш, халқаро рейтинглар олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Киберхавфсизликни кучайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Барча вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини шу жиҳатдан танқидий ўрганиб, зарур чоралар кўриш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги яна бир устувор вазифа — фан ва таълимни ривожлантириш.

Бугунги кунда иқтисодиётни рақамлаштириш учун яна 12 минг нафар юқори малакали мутахассисларга талаб бор. Шунинг учун Тошкент аҳоли кўнрагини яна яқинлаштириш бўйича университетини илм-фан ва таълим кластерига айлантириш, замонавий IT-парк университетини ташкил этиш тақлифи бидирилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

## МАШИНАСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 апрель кунин кишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ривожлантириш режалари тақдими билан танишди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги қарорига мувофиқ, кишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сотиб олишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилган эди. Бу ўз натижаларини бериб, фермер ва деҳқонлар умумдор техникаларга эга бўлмоқда. Жумладан, шу йил биринчи чоракнинг ўзида 1 минг 600 та техника учун 23 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Модернизация натижасида 2021 йилда тракторлар таннархи 4 минг 600 долларга арзонлаштирилган. Айни пайтда илгари зарар билан ишлаган тармоқ корхоналари фойдага чиққан.

Соҳани санонат кластери усулида ривожлантириш мақсадида Чирчиқда кишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери ташкил этилмоқда. Бугунги кунда у ерга собиқ "Технолог" ва Агрегат заводлари ускуналари тўлиқ қўчирилган.

Тақдимотда шундай ишлар ва наватдаги режалар кўриб чиқилди.

— **Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги — катта ва муҳим тармоқ. Бу ҳосилдорлик юқорилиги, озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масала. Замонавий техникалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, сифат ва хизмат нуктаи назаридан ҳали қилинадиган ишлар кўп, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Бу ишларни тизимли олиб бориш учун Бош вазир раҳбарлигида кишлоқ хўжалиги машинасозлиги масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди.

Авалло, Чирчиқдаги кластерга қўчирил-

ган қувватлар негизда культиватор, сеялка, косилка, чизель, борона ишлаб чиқаришни бошлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Тошкент трактор заводи ҳам қўчириб, кластерни 2023 йил январдан тўлиқ ишга тушириш вазифаси қўйилди. Унганча агрокластерлар ва фермерлар талабини ўрганиб, аниқ буюртмаларни шакллантириш муҳимлиги айтилди.

Бугунги кунда ерни лазер орқали текислаш техникаларига талаб юқори. Шу боис мутасаддиларга шундай техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш топширилди. Эскирган тракторлардан тўлиқ воз кечиб, янги миллий трактор моделини яратиш бўйича кўрсатма берилди.

Пахтали комбайнда териш улуши жорий йилда 35 фоизга, 2023 йилда эса 50 фоизга етказилиши қайд этилди.

Йил якунига Андижонда металл қўйиш заводини ишга тушириб ҳамда 90 турдаги бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириб, техникалар таннархини камида 12 фоизга камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Деҳқон ва фермерларни ўйлантирадиган масалалардан яна бири — техника бўлиса, уни тузатиш, эҳтиёт қисмлар топиш ва таъмирлаш. Шу боис Президентимиз машинасозликка савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш бўйича янги тизим яратиш, 14 та худудда сервис маркази ва 100 та мобил гуруҳлар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Янги техникалар, умуман, кишлоқ хўжалиги механизацияси бўйича мутахассисларни ўқитиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВЕНГРИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ БОРИШИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

**14 апрель кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Сўхбат аввалида Ўзбекистон етакчиси Венгрия Ҳукумати раҳбарини "ФИДЕС" — Христиан-демократик халқ партияси коалицияси ушбу мамлакат парламентида сайловда ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Томонлар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан бир-бирини табриклади.

Стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари, Венгрия Бош вазирининг ўтган йили март ойидаги Ўзбекистонга ташрифи якунида эришилган келишувлар ижросининг бориши батафсил муҳокама қилинди.

Фармацевтика, кишлоқ хўжалиги, чорвачилик, озик-овқат саноти, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, банк-молия соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Сўхбат ҳар доимгидек самимий ва дўстона рўнда ўтди.

Ў.А.

### Эътироф

## Ўзбекистон ECOSOCнинг Ривожланиш Мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссияси аъзоси этиб сайланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC)нинг йиллик йиғилиши доирасида Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 — 2026 йиллардаги аъзоларининг сайлови бўлиб ўтди.

Тадбир давомида Ўзбекистон акклимация (умуммаъқуллаш) йўли билан 2023 — 2026 йилларда Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари

бўйича комиссия аъзоллигига сайланди.

Комиссия БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ёрдамчи органи ҳисобланади. Тузилма 1992 йилда ушбу

йўналишдаги сиёсатни такомиллаштириш мақсадида Бош Ассамблея ва ECOSOCга долзарб илмий, техник, инновацион ва муҳандислик масалалари бўйича малакали маслаҳат ёрдамчини кўрсатиш учун ташкил этилган. У БМТнинг умумий тизими доирасида фан ҳамда технологиялар бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

➔ 2

## 15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунин

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОМ БИЗГА КУЧ, ШИЖОАТ БЕРАДИ

Президентимиз қарори билан 15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунин этиб белгиланиши нафақат соҳа тараққиётига давлат миқёсидаги эътиборнинг, балки ижод аҳли меҳнатининг қадрланиши, юксак эътирофининг яна бир яққол ифодасидир.

Дунёда касблар кўп. Ҳар бири ҳаётда ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Шифокор беморни ширин сўз ва малҳами ила даволаса, ўқитувчи инсонни илм оламига бошлаб, борлиқни англашига қўмақлашади. Қурувчи маҳоратли бинолар барпо этса, бобо-деҳқон қалб кўри, меҳрини бериб, ердан риққ ундиради.

Лекин шундай касб эгалари борки, уларнинг истеъдоди ва маҳорати орқали кўз ўнгимизда шифокор ҳам, ўқитувчи ҳам, қурувчи деҳқон ҳам, кўйинги, меҳнат ва машаққати, ҳаётдаги аҳамияти яққол намойиш бўлади. Ғузай ижроларидан қалбимиз куч, руҳимиз ором олади. Улар маданият ва санъат ходимлари, ижодкорларидир.

➔ 4

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистонда аҳоли бандлигини ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштириш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

### Семинар

Кайд этилганидек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи муҳим устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Бандликни таъминлаш, меҳнат бозорини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги, "Хусусий бандлик агентлиги тўғрисида"ги қонунлари мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилляпти.

Меҳнат қонунчилигини замон талаблари асосида такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун парламент қўйи палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун юборилди.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар доирасида қатор янги меҳнат муносабатлари кириб келмоқда. Жумладан, пандемия шароитида масофавий иш усули жорий этилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Узини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний

шахслар жами даромадлари тартибга киритилмаслиги қонунчиликда белгиланди.

Сир эмаски, меҳнат бозорини янги соҳа кадрларига бўлган эҳтиёж қундан-қунга ортмоқда. Бу эса янги соҳа ҳамда йўналишларда фаолият юритувчи мутахассислар тайёрлашни ҳам тақозо этади.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исmoilов меҳнат бозорини тартибга солиш орқали аҳоли бандлигини самарали таъминлаш, юзага келмаётган янги меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ масалаларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, аҳоли бандлигини тартибга солишининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ўта долзарб вазифа эканлигини таъкидлади.

➔ 2

## МАЛАКАЛИ ТИББИЁТ ЯҚИНЛАША, ХАСТАЛИК УЗОҚЛАШАДИ



Навбахорлик Сожида Ҳабибуллаева яқинда ўн икки ёшга тўлади. Ҳозирча ўқувчи, мактабдан кейин тиббиёт техникумида таҳсилни давом эттириб, ундан сўнг яна ўқиб, олий маълумотли шифокор бўлмоқчи.

Сожидага қанот бўлаётган туйғулар шугина эмас. Қисқача айтсак, барча ёшлар каби унинг ҳам орзулари бир олам. Аслида ҳаёт аталмиш неъматнинг том беағи ҳам шу — эртанги кунни нурафшон ниятлар билан соғиниб кутиш. Икки йил бурун эса ғўдаққандан илакишган дард туфайли унга болаликнинг бирор-бир қувончи татимасди ҳам.

### Долзарб мавзу

— Қизимда тўғма юрак нуқсонини бор эди, — дейди унинг онаси Жумагул опа. — Уйда таълим олар, тенгқурларига қўшилиб ўйнай олмасди. Мана, минг қатла шукр, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди.

Таъкидлаш жоиз, ногиронлиги бўлган ҳар бир бола

биргина ўша оиланинг эмас, балки бутун жамиятнинг ташвиши. Унинг парварши, дори-дармон таъминоти, нафақа тайинлаш, уйда таълим олиш, хуллас, ўнлаб кишилар бу юмушларга жалб этилади. Шу боис хаста болаларни соғлом ҳаётга қайтариш, фаоллик эшикларини очиб жамият учун ўз ташвишидан четда турмаслик билан баробар. Айнан шу

мақсадда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиздаги тиббиёт илмий марказлари ва республика клиникаларининг тажрибали шифокорлари худудларга сафарбар этилди.

Хусусан, Навоий вилоятида иш бошлаган салоҳиятли мутахассисларнинг кўмаги билан тўғма юрак етишмовчилигини бартараф қилиш, буйрак қўчириш ва бошқа бир қатор мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга ошириш ўзлаштирилди.

Хуллас, юзлаб Сожидаларнинг дардан фориғ бўлиши тасодиф ёки тақдир инояти эмас, балки юртимизда инсон қадри улуғланаётганининг амалий ифодаси, десак, айни ҳақиқат. Бошқача таърифласак, бугун тиббиёт эришган ютуқлар худудларга, одамларга яқинлашди.

➔ 3

### Кенгаш йиғилиши

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ 11 ТА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНГАН

Кеча Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур Кенгаш аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Йиғилишни Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кайд этилганидек, 2021 йил давомида эълон қилинган мамлакатимиз учун устувор бўлган жами 19 та халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни сезиларли акс этиб, 11 тасида давлатимиз позицияси яхшиланди. Хусусан, суверен кредит рейтингларида ижобий тенденциялар кузатилиб, "Эс энд Пи" ("S&P") халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимиз кредит рейтингини "салбий"дан "барқарор"га, "Мудис" (Moody's)

агентлиги эса "барқарор"дан "ижобий"га ўзгартирди.

Глобал инновациялар индексиде Ўзбекистон ўтган йилда 7 поғонага ўтарилди, 132 та давлат орасида 86-ўринни эгаллади ва энг тез юқорилган мамлакатлар топ 10 талигига кирди.

"Transparency International" халқаро ташкилотининг 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексиде мамлакатимиз ўз ўрнини 6 поғона яхшилаб, 180 та давлат ичиде 140-ўринни эгаллади ва сўнгги беш йилда 17 поғона юқорилди. Ташкилот ҳисоботида Ўзбекистон Марказий Осиёда ўрнатилган ва сўнгги беш йилда энг барқарор ўсиш кўрсаткичига эришган жаҳондаги 6 та давлатдан бирига айлангани алоҳида таъкидланган.

➔ 2

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ 11 ТА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНГАН

Тадбирда ижтимоий-иқтисодий ҳақда сиёсий ҳуқуқий соҳаларга оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатимиз ўрнини яхшилаш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг ижроси ҳам муҳокама этилди.

сунъий интеллектга тайёргарлик индекси"ни Ўзбекистон учун устувор сифатида белгилаш масаласи муҳокама этилди.

Шунингдек, тадбирда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2022 йилга мўлжалланган ташкилий чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, йил давомида битта стратегия, 5 та кодекс, 9 та қонун, 2 та қонцепция ва 35 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилганлиги алоҳида таъкидланди.

Таъкидланди, давлат компаниялари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат кафолатини беришни босқичма-босқич қамайтириш, парламентдаги "Ҳуқумат соати" институти ва депутатликка номзод кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бериш тизимини жорий этиш каби 300 дан ортиқ вазифаларни бажариш режалаштирилмоқда.

Игилишида кўрилган масалалар бўйича Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тадбир иштирокчилари янги соҳа ва йўналишларда фаолият юритувчи мутахассислар тайёрлаш, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб меҳнат бозорининг қонуний асосларини такомиллаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим масала эканлигини алоҳида қайд этдилар. Аҳоли бандлигини таъминлаш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини

такомиллаштириш юзасидан олимлар, экспертлар, етакчи мутахассислар томонидан илмий-ҳуқуқий ва амалий тақлифлар берилди.

Кизгин баҳс-мунозара ҳамда савол-жавоб тарзида ўтган семинар якунида мазкур соҳадagi ишлар самарадорлигини оширишга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.



## Сўз — семинар иштирокчиларига

**Мавлуда ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси:**

— Юртимизда демографик вазият соғлом бўлиб, аҳоли ҳамда иқтисодиёт бир-бирига мутаносиб ўсмоқда. Таҳлилларга кўра, агар туғилиш кўрсаткичлари 2030 йилгача ҳозирги суръатда сақланиб қолса, меҳнат бозорига ҳар йили 710 — 720 минг нафар йигит-қиз кириб келади. Бу мамлакатда янги иш жойларини тез суръатлар билан яратиш, уларни мамлакат иқтисодиётининг долзарб соҳаларига жалб қилиш борасидаги ислохотларни янада жадаллаштиришни тақозо этади.

Мана шундай вазиятда Президентимиз бошчилигида узокни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юртимизда ҳар бир хонадонда тинчлик-барқарорликни сақлаш, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган стратегик йўлимиз янада изчил давом эттириляпти.

Хусусан, иқтисодиётни ислох қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш ҳисобиغا етакчи тармоқларни модернизациялаш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш асосида ҳар йили миңлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш имконини берапти.

Семинарда олимлар, экспертлар, соҳанинг етакчи мутахассислари ҳам иштирок этиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-ҳуқуқий ва амалий тақлифлар беришгани ҳам айтиш мумкин бўлди.

**Эркин МУХИДДИНОВ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан давлат бююртмасини шакллантириш амалиёти жорий этилмоқда. Мазкур дастурлар асосида 2017 — 2021 йилларда 2 миллиондан ортиқ доимий иш ўринлари ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган иш ўринларининг улushi

86 фоиздан 93,2 фоизга ошди.

2019 йилдан меҳнат бозорига бандликни таъминлашнинг янги инструментлари жорий этилиб, 13 турдаги субсидиялар ажратилиш амалиёти йўлга қўйилди. Қисқа вақт ичида 114 миң нафар ишсиз, кам таъминланган, айниқса, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га қиритилган оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлаш учун 263 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Меҳнат бозори конъюнктурасини эътиборга олган ҳолда ишсиз аҳолида, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифага айланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида 54 турдаги касблар бўйича 59 та касб-хунарга ўқитиш марказлари, 140 та касб-хунарга ўқитиш масканлари, 16 та ишга марҳамат "Мономарказ"лари фаолияти йўлга қўйилди.

Эндиликда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари:**

— Таъкидлаш жоиз, Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан соҳадagi қонунчиликни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижро ҳолатларини назорат-таҳлил тадбирлари орқали ўрганиш, соҳада самарадорликни ошириш ва янгиликларни жорий этиш мақсадида халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, бандлик соҳасидаги муҳим халқаро ҳужжатлар таҳлил қилинган ҳолда уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилди. 2019 йилдан буён Халқаро меҳнат ташки-

лоти (ХМТ)нинг 5 та конвенцияси (81, 129, 144, 187, 167-сонли) ва мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенция баённомаси ратификация қилинди. Бугунги кунга қадар юртимизда ХМТнинг 18 та конвенцияси қабул қилинди.

Олдимизда турган муҳим мақсадлардан бири — ХМТ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган муносоиб меҳнат бўйича янги мамлакат дастурини муваффақиятли амалга оширишдир. Ушбу дастурга кўра, муносоиб меҳнат шартловларини яратиш, меҳнатга муносоиб ҳақ тўлаш, норасмий бандликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш режалаштирилган.

**Муродулло ХОЛМУҲАМЕДОВ, Меҳнат бозори тадқиқотлари институти директори:**

— Бугун иқтисодиётимизнинг барча тармоғига замонавий инновацион технологиялар жадаллик билан кириб келмоқда. Мазкур жараёнларга кўлаб ишкорлар хорижий инвестициялар жалб қилиниб, янги технологик иш ўринлари яратилляпти.

Ўтган йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2020 йилга нисбатан 5,8 миллиард долларга ёки 16 фоизга кўпайди ва 42,1 миллиард долларни ташкил этди. Экспорт ҳажми 10 фоизга ошди, 16,611 миллиард долларга етди. Импорт ҳажми эса 20,4 фоизга ўсиб, 25,461 миллиард долларни ташкил қилди.

Бундай жадал ўсиш кўрсаткичлари яқин келажакда юқори малакали профессионал кадрларнинг янги авлоди етишиб чиқиши зарурлигини белгилаб бермоқда. Юқоридаги рақамлар ва хорижий тажрибаларни инобатга олиб, ички ва ташқи меҳнат бозорларида малакали, рақобатбардор ишчи кучига талаб ортиб бораётганлиги, ўз навбатида, мамлакатимизда миллий малака тизимини жорий этиш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам

ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш, касбга ўқитиш кўламини 2 баравар ошириш, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш назарда тутилган.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва меҳнат бозорида миллий малака тизимини кенг жорий этиш орқали уларнинг муносоиб меҳнат ва даромад олишларини таъминлаш ҳамда норасмий секторда ишлаётганларни легаллаштириш имконияти кенгайди.

**Гулнора АБДУРАҲМОНОВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори:**

— Аҳоли даромадларининг асосини меҳнатдан келадиган даромадлар ташкил этар экан, уларнинг тўлиқ, унумли, маҳсулдор ва муносоиб иш билан бандлигини риёбатлантириш муҳим макроеқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Бу камбағалликни қисқартиришда ҳам асосий ўрин эгалляпти.

Кўпгина МДХ давлатлари илмий адабиётларида ва мезёрлий-ҳуқуқий ҳужжатларида "унумли" атамаси ўрнига "самарали" атамасидан фойдаланилган. Бу "унумли бандлик"ни ишчи кучидан самарали фойдаланиш контингентига кириб қолишига замин яратишга инобат қилинган, "унумли бандлик" таърифини ҳам чеклаб қўйган.

Манфаатлар қаровига кўра, маҳсулдор бандлик хусусияти шундан иборатки, барқарор иш жойида ёлланма ходим учун етарли иш ҳақи, муносоиб меҳнат шартловлари мавжуд бўлади. Унумли бандликда эса барқарор иш жойида ёлланма ходим учун муносоиб меҳнат шартловлари яратилган бўлиб, ўзи ва қармоғидagiлар учун камбағаллик чегарасидан юқори даражада "ушлаб турувчи" етарли меҳнат ҳақи тўлаш талаби қўйилади.

Шу жиҳатдан, унумли ва маҳсулдор бандликка таъриф беришда, асосан, уларнинг самарали бандлик хусусиятлари ва муносоиб меҳнат таъминлигидан келиб чиқиш лозим.

«Халқ сўзи».

# МАРКАЗИЙ БАНК ҲИСОБОТИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

## Сенат кўмитасида

Ҳисоботда қайд этилганидек, Марказий банк томонидан 2021 йилда асосий эътибор пул-кредит сиёсати инструментларини инфляцияни оралик прогноз кўрсаткичларига эришиш мақсадида йўналтириш ҳамда банк тизимидаги хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларни юмшатиш чораларини кўриш орқали мамлакатда макроеқтисодий ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилди.

Хусусан, инфляция даражасининг йил якунига қадар 10 фоизлик прогноз кўрсаткичига эришиш мақсадида Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақлаб қолинди.

Пул-кредит соҳасидаги чора-тадбирлар инфляция даражасини 2020 йилдаги 11,1 фоиздан 10 фоизгача пасайишига олиб келди.

Қайд этилишича, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 166,7 трлн. сўм ёки 2020 йилдаги нисбатан 1,3 баробарга кўп кредитлар йўналтирилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида эса сўнгги 4 йилда жами 24,3 трлн. сўмдан кўп имтиёзли кредитлар ажратилган ва бу орқали 983 миңдан зиёд оилалар тадбиркорлиги йўлга қўйилди. Республика бўйича ўрта ҳисобда ҳар миң хонадоннинг 110 таси ушбу дастурлар доирасида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

Игилишида сенаторлар томонидан нархлар барқарорлигини таъминлашда пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш ва такомиллаштириш ҳамда банк тизими барқарорлигини ва туловлар узлуқсизлигини таъминлаш борасида айрим қамчиликлар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

# КЎП ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Кеча "Ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ривожланиш йўлидан қатъий бориш: сиёсий партияларнинг вазифаси ва масъулияти" мавзусида Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой Халқ Республикаси сиёсий партияларининг учинчи форуми видеоконференцада шаклида ўтказилди.

## Форум

Мазкур форум шу йил 25 январь кўни бўлиб ўтган дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг видеонужман шаклидаги учрашувида эришилган келишувларни бажариш мақсадида уюштирилди.

Тадбирда ХХР коммунистик партияси, Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари ва сиёсий партияларидан 60 га яқин вакиллар қатнашди.

Таъкидландигандек, кейинги йилларда Хитой ва Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди. Хусусан, парламентлараро алоқалар изчил мустахкамланмоқда, сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатлар кенгаймоқда, ҳар

томонлама стратегик ҳамкорлик жадал тус олаётди.

Форумда Марказий Осиё давлатлари ва ХХР ўртасидаги 30 йиллик ҳамкорлик якунларига, мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббусларга эътибор қаратилди. Кўп қиррали, жумладан, парламентларо ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари, истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ўз нутқида форум иштирокчиларини юбилей сана билан қутлаб, Ўзбекистон ва Хитой ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги кўп томонлама стратегик муносабатлар, шу жумладан, парламентларо алоқалар ўтган даврда жадал ва барқарор тус олганини таъкидлади. Шунингдек, форумда мамлакатимизда фаолият олиб бо-

раётган бешта сиёсий партия вакиллари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларининг фикрича, ушбу форум дунёнинг салмоқли қисмини эгаллаб турган давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий алоқалар ривожланишини янги поғонага кўтарди. Хусусан, парламентларо қонун ижодкорлиги фаолиятида қонунларни янада мукамаллаш ва алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Қолаверса, мазкур форум юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг хорижий давлатлардаги сиёсий партиялар билан бевосита мулоқотга киришишига хизмат қилди.

Онлайн учрашувда Марказий Осиё ва Хитой халқларини янада яқинлаштириш, маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Форум якунида Марказий Осиё давлатлари ва Хитой Халқ Республикаси сиёсий партиялари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустахкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар ва тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

# Ўзбекистон ECOSOCнинг Ривожланиш мақсадларида фан ва технологиялар масалалари бўйича комиссияси аъзоси этиб сайланди

Комиссия таркибига ECOSOC аъзолари томонидан сайланган 43 мамлакат кириди. Бош Ассамблеянинг савдо, молия, технологиялар, инвестициялар ва барқарор ривожланиш соҳасидаги асосий органи бўлган Савдо ва ривожланиш бўйича конференция (UNCTAD) комиссиясининг котибияти ҳисобланади. Комиссия аъзолари ўз йиғилишларини Женева шаҳрида ўтказди.

Янги сайланган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон 2023 йил 1 январдан бошлаб комиссия таркибига кириди.

Ўзбекистонга БМТнинг ушбу муҳим органи фаолиятида иштирок этиш имконияти тақдим қилинган мамлакатимизда фан ва технологиялар ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг эътирофи бўлди.

Шунингдек, у Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш мақсадлари ва замонавий илм-фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технологияларни ривожлантиришни устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳимлиги тўғрисидаги давлатига тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистоннинг комиссия аъзоси сифатида унинг фаолиятига фаол жалб этилиши фан, техника ва инновациялар соҳасидаги энг муҳим глобал тенденцияларини ишлаб чиқиш, режалаштириш ҳамда прогнозда бўйича тулган таъриб ва илгор услублар билан янада яқинроқ танишиш имконини беради. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва илгари суриш, республикамизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ECOSOC комиссиясининг аъзоси сифатида ушбу орган фаолиятига муносоиб ҳисса қўшади. Ўз навбатида, ушбу муҳим тузилмага аъзо бўлиш Ўзбекистон томонидан 2030 йилгача бўлган давр кун тартибининг жадал амалга оширишга, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун илгор инновацион ечимларни жалб қилиш ва жорий этишга, шунингдек, давлатимизнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

«Дунё» АА. Ньё-Йорк

# Ўзбекистон — ЖССТ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

## Давра суҳбати

Унда депутатлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари, ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари, журналистлар қатнашди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лиан Купенс кириш сўзи билан очиб бердилар.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ ҳамда бошқа нуфузли ташкилотларнинг юқори минбарларидан туриб, умумбаша-

риятимизда тиббиёт тизимини янада юксалтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди ва халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорликда олиб бориладиган келгуси амалий ишларга кенг имкониятлар яратиб берди. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси БМТ таркибига киривчи қатор ихтисослаштирилган муассасалар билан самарали ҳамкорликни тобора кучурлаштириб борапти.

ЖССТ шифокорлар, ҳамширалар, бошқа тиббий ходимлар малакасини ошириш, лаборатория ходимларини ўқитиш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда даволаш протоколларини тузишда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларига яқиндан кўмаклашайтир, коронавирус инфекцияси тўғрисидаги доимий равишда янгилаб бораётган халқаро ахборотни эркин олиш имкониятини таъминлаб келмоқда.

Бундан ташқари, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ти-

зимини ривожлантириш концепциясини яратишда ЖССТ экспертларининг катта ёрдами ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Кизгин муҳокама руҳида ўтган давра суҳбатида келгусида Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги изчил ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси ҳамда Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитасининг ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан тиббиётнинг ҳуқуқий асосларини замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш борасида ўзаро амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тегишли тақлифлари қабул қилинди ва келгуси режалар аниқлаб олинди.

«Халқ сўзи».

## Муҳокама

# СОЛИҚ МАСЛАХАТЧИЛАРИГА ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси томонидан "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Қонун лойиҳасида солиқ маслаҳатчиларига малака сертификатлари берилиши ва амал қилишининг туғилиши, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш, солиқ маслаҳатчиларининг реестри юритилиши белгиланганди.

«Халқ сўзи».

солиқ маслаҳати бўйича хулосасини мустақил равишда тақдим қилиш ҳуқуқлари берилаётди.

Игилишида лойиҳадagi солиқ маслаҳатчи сертификатини олишни истаган шахсга қўйилаётган талаблар кизгин муҳокама қилинди. Ушбу нормани бугунги кун талабларидан келиб чиқиб олий маълумотга эга бўлмаган, лекин халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган шахс (агар у бухгалтер сифатида камида беш йиллик иш стажига эга бўлса), талабдор бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қўшимча билан тўлдириб тақдир этилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари таъкидлашча, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ маслаҳати соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг қандайдиган белгилашнинг ҳамда самарали фаолият кўрсатилган солиқ маслаҳатчилари институтини шакллантиришга хизмат қилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ХАВФСИЗЛИККА ОИД НАМУНАВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Санкт-Петербург шаҳрида МДХ ПА Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияси иштирокчиларининг онлайн мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Унда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурхонов Ўзбекистон Республикаси томонидан иштирок этди. Комиссия мажлиси кун тартибига му-

дофаа ва хавфсизлик соҳасига оид бир қатор намунавий қонун лойиҳалари киритилган бўлиб, улар атрофича кўриб чиқилди.

Муҳокамалар якунида МДХ ПА Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«MebelExpo Uzbekistan»

13 ДАВЛАТНИНГ 70 ДАН ОРТИҚ ҚОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Мебель ва ёғочсозлик саноати юртимизда жадал ривожланиб бораётган соҳалардан биридир. Тошкентда аниқлаш тарзда ташкил қилиб келинаётган Ўзбекистон мебель ва ёғочсозлик саноати халқаро кўргазмаси ҳам мазкур соҳа вакиллариининг имкониятини кенгайтириш, салоҳият ва ижодкорлигини юксалтиришда катта аҳамият касб этаётир.

«Ўзэкспомарказ» марказий кўргазмалар мажмуида очилган «MebelExpo Uzbekistan» — Ўзбекистон мебель ва ёғочсозлик саноати халқаро кўргазмаси ўн саккизинчи бор ўзининг иштирокчилари учун мулоқот майдонини яратди.

«Itesa Exhibitions» халқаро кўргазмалар компанияси ва бир қатор давлат ташкилотлари кўмағида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Австрия, Герма-

ния, Эрон, Италия, Қозоғистон, Россия, Туркия, Швейцария каби 13 давлатдан 70 дан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда, — деди «Itesa Exhibitions» халқаро кўргазмалар компанияси бош директори ўринбосари Ойимхон Бобожонова. — Айтиш жоизки, мамлакатимиз мебель ва ёғочсозлик саноати иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан. Бугунги кунда ушбу соҳада, асосан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият юритади. Бугунги кунга келиб умумий бозор ҳажмининг қарийб 90 фоизи маҳаллий маҳсулотлар билан қондирилмоқда.

Муҳими, юртимизда кўплаб кичик қорхоналарнинг ташкил этилиши, экспорт ва импорт режимининг либераллаштирилиши туфайли бу соҳада кучли рақобатдош бозор шаклланди. Бу, албатта, кенг танловга эга бўлган мебельнинг пировард харидорлари учун ҳам, маҳсулот сифатини барқарор сақлашга, ташқи бозорга чиқиш йўлини излашга мажбур бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳам ниҳоятда фойдалидир.

Шу маънода, «MebelExpo Uzbekistan» халқаро кўргазмаси мамлакатимиз мебель ва ёғочсозлик саноати ривожига катта аҳамиятга эга тадбир бўлиб хизмат қилмоқда.

«Халқ сўзи».



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

МАЛАКАЛИ ТИББИЁТ ЯҚИНЛАШСА, ХАСТАЛИК УЗОҚЛАШАДИ

Шу йилнинг 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси тарихида мутлақо янги учрашув — Президентнинг шифокорлар билан мулоқоти бўлиб ўтгани ёдимизда, албатта. Уша мулоқотда соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини янада оширишнинг кечиктириб бўлмас вазифаларига урғу берилди. Чунончи, ҳудудларда бириктириш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг тармоқини кенгайтириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, тез тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш, тиббий муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавий тиббий ускуналар ва дори воситалари билан таъминлаш, шифокорлик касбининг мақоми ва нуфузини юксалтириш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва иқтисодий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, соҳа учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш шулар жумласидан.

Мазкур вазифалар ихроси юзасидан Навоий вилоятида ҳам «Йўл харитаси» тас-

мани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ёдгор Абдуалимов. — Шу мақсадда бирлашма-мизга қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника, 5 та оилавий поликлиника ва 8 та оилавий шифокорлик пунктига вилоят даволаш профилактика муассасаларидан аҳоли орасида касалликларни аниқлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида масъулламчи касаллик аниқлаб, 546 нафар «Д» назоратда турган, 234 нафар ногиронлиги бор фуқаро ва 94 нафар ҳомиладор аёл ҳам тиббий кўриқдан ўтказилди. Ортиқча вазнга эга ўттиз икки кишига соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш бўйича тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, кўриқлар натижаси ўлароқ

сўм маблағ ажратилиб, «КамАЗ» автомашинаси ва «Исузу» автобуси базасида мобил тиббий хизматлар комплекси ташкил қилинди. — дейди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нурали Сафоев. — Улар олти йўналиш бўйича (гинеколог ва акулистер кўриғи хонаси, рентген, ЭКГ ва УТТ текшируви, лаборатория хонаси) тўлиқ замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу тиббий хизматлар комплекси ёрдамда вилоятнинг олис чўл ва чегара ҳудудларидаги Конимех ва Томди туманларининг 35 миңдан зиёд аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилди.



Белгиланган «Йўл харитаси» асосида вилоятнинг 66 та оилавий шифокорлик пункти, 40 та оилавий поликлиника ва 11 та кўп тармоқли марказий поликлиникасида кундузги стационар фаолияти соат 20:00 га қадар узайтирилди. Шунингдек, Нурота туманида 2 та оилавий шифокорлик пункти фаолияти тикланди. Яна учта (Хатирчида 1 та, Қизилтепада 2 та) оилавий шифокорлик пункти фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 93 та олис овулда махсус контейнерлар ўрнатилиб, маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилади.

Вилоятнинг соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида бир қатор ташкилий тадбирлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, Учқудуқ тумани ва Зарафшон шаҳри кўп тармоқли поликлиникаларида мавжуд штат бирликларини қайта тақсимлаш орқали болалар бўлимлари ташкил этилиб, жорий ой якунига қадар Навоий шаҳри, Қизилтепа, Хатирчи ва Қармана туманларида ҳам кўп тармоқли марказий поликлиникаларда болалар бўлимлари ишга туширилди. Шунингдек, Томди туманидаги Томдибулоқ овулида битта тез ёрдам бригадаси, Керегетов ва Анқудуқ овулиларида иккита санитар пост янгидан ташкил этилган бўлса, яқин кунларда Хатирчи, Конимех ва Нурота туманларида жами 4 та тез тиббий

ёрдам шохобчаси ва 5 та санитар пост иш бошлади.

Амалга оширилаётган мазкур тадбирлар яқин истиқболда ўз самарасини бериши тайин. Бироқ аҳолида тиббий маданиятнинг ҳамон талаб даражасида эмаслиги шифокорларни ташвишга солаётгани ҳам бор гап.

— Одамлар автомашинасининг бирор жойида «тиқ» этган ёт товушини эшитса, автотехизматга югуриб боради, — дейди Нурали Сафоев. — Қанча маблағ кетса ҳам, муаммони бартараф этмагунча кўнгли жойига тушмайди. Бироқ ўз танасидаги айрим касаллик белгиларини сезса-да, «Утиб кетар» деган фикр билан оилаб, йиллаб юришади. Афсуски, бунинг оқибати ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди. Касаллик қанча эрта аниқланса, даволаш шунчалик кўп ижобий самара беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугун тиббиёт аҳолига тобора яқинлашиб бораётган экан, фуқароларимиз ҳам унга пешвоз чиқмоғи лозим. Яъни ўз саломатлигига ўзи масъул эканини яхши англамоғи шарт. Шунда натижадан ҳар икки томон ҳам ютади.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИНИ БИТИРУВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Table with columns for university names, faculties, and student counts across various regions and disciplines.

Маълумот учун телефонлар: 70-717-37-73, 70-717-17-76, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими. Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Ўрганиш

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва жойлардаги ахборот-кутубхона марказларидаги ижроси ўрганилмоқда.

Хусусан, яқинда сенаторлар иштирокидаги ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб, ушбу муассаса фонди ва фойдаланувчилар ўзгариш динамикаси, кадрлар билан таъминлини ҳолати, йиғма электрон каталог шакллантирилгани ҳамда ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш учун яратилган шарт-шароитлар, ноёб ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларининг сақланиш ҳолати билан танишиб чиқди.

Ўрганишлар жараёнида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонун ижросида қатор устуқлар баробарида, айрим камчилик ва муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга уларни бартираф этиш юзасидан тавсиялар берилди. Ўз навбатида, тизим ходимлари томонидан соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ қатор тақлифлар илгари сурилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона маркази, Шайхонтохур тумани ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини ўрганди. Айни жараёнда "Билим" ахборот-кутубхона маркази кўп қаватли тураржой биносининг биринчи қаватида фаолият олиб бораётганиги, марказда фойдаланувчилар учун шарт-шароитлар етарли эмаслиги, кутубхона фондини сақлаш учун жой етишмаслиги каби муаммолар аниқланди. Бу ҳолатлар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОМ БИЗГА КУЧ, ШИЖОАТ БЕРАДИ

Президентимиз ижод аҳлини "Инсон қалбининг муҳандислари" дея таърифлагани бежиз эмас. Хоҳ адабиёт, хоҳ кино, хоҳ театр, бастакорлик, кўшиқчилик санъатига дахлдор бўлсин, улар яратган асарлар кишини маънан улғайтиради, қалбига эзгу туйғуларни, умминсоний тушунчаларни, фазилатларни жойлайди. Санъат ва маданият одам фарзандини инсон сифатида тарбиялайди.

Ҳар бир миллат ўз маданияти ва санъатининг қудрати билан жаҳон тамаддунидан мустақкам жой эгаллайди. Айнан мазкур соҳа тараққиёти мамлакатнинг куч ва салоҳиятини, халқнинг кадр-қиммати, дунёдаги обрў-эътибори ҳамда мақоми намоён этувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Шу боис кейинги йилларда халқимизнинг эзгу қадриятларини янада бойитиш, онгу тафаккурини янгилаш, маънавий, маданий савиясини юксалтириш, ҳаёт тарзини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар силсиласида маданият ва санъат ривожига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада янги қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, фармойишлари, давлат дастурлари қабул қилиниб, ижроси қатъий назоратга олинаётир.

Натижада мамлакатимизда маданият ва санъат изчил юксалиб бормоқда, ёшларимизда ушбу соҳага меҳр-муҳаббат уйғоняпти. Энг муҳими, юртимизда илми, муסיқий саводхонлиги юқори, санъатни тушунадиган, унинг яратувчанлик моҳиятини теран англайдиган, ижодий фикрлайдиган баркамол авлод вояга етмоқда.

Хўш, янгилаёнаётган Ўзбекистонда ушбу эзгу мақсад нима учун кун тартибига кўтарилди?

Маълумки, ҳар қандай эзгу мақсад инсон омили воситасида рўёбга чиқади. Жамиятдаги ривожланиш халқнинг салоҳияти билан чамбар-час боғлиқдир. Одамлар тафаккури ўзгармагунча жамият ўзгармайди.

Жамиятда онг юксалмагунча давлат тараққий этмайди. Бинобарин, кенг тафаккурли, ўз ишига креатив ёндашадиган, билимли, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, замон билан ҳамқadam одимлайдиган халқгина Президентимиз илгари сурган — мамлакатимизда учинчи Ренессанс пой-деворини яратиш гоясининг ҳаётдаги рўёбини шиддат ва шижоат билан таъминлай олиши мумкин.

Тарихдан маълумки, жаҳон цивилизациясида бекйёс ўрин тутган, жумладан, она заминимизда буй кўрсатган биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида жамиятда маданият ҳамда санъатнинг ҳам ўрни алоҳида бўлган. Соҳа вакилларига катта ҳурмат кўрсатилган, уларнинг меҳнати муносиб қадрланган. Жумладан, умумжаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйган аждодларимиз хоҳ адабиёт, хоҳ астрономия, тиббиёт, математика, геометрия, тарих,

ёзган. Унинг "Китобул муסיқа ал-кабир" ("Муסיқага оид катта китоб") асари муסיқа назариясининг асосларини яратишида муҳим ўрин тутган. У нафақат назарий, балки халқ чолғуларининг маҳоратли ижроси ҳам бўлган. Манбаларда қайд этилишича, Форобий най ва танбури юксак даражада чалиш билан бирга, қонун чолғусини ихтиро қилган, ўша даврларда машҳур бўлган уд созини такомиллаштириш йўлида изланишлар олиб борган.

Ибн Сино муסיқани инсоннинг гўдақлигидан то умрининг охиригача зарур ва фойдали бўлган бадий эстетик ҳамда тарбиявий қадрият деб ҳисоблайди. Буюк олим ўзининг "Муסיқа илми ҳақида рисола" асарида муסיқа маданияти ҳамда эстетикаси, тарбиявий аҳамияти, муסיқий товушларнинг инсон ҳиссиёти



биринчи сабаби, йўқолган нарсадан қалб изтироб чекиб турган вақтда, ўша инсталган товушининг кўққисдан пайдо бўлишидир". Эътиборлиси, буюк алломаниннг ўзи ҳам муסיқа билан мунтазам шуғулланган.

Сўз мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳам муסיқа илми ва санъати устаси бўлган. Асарларида музиқаниннг инсон фаолиятидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратган. Чолғуларда куйлар ижро этган.

Халқимизнинг санъат ва маданиятни қадрлашга қаратилган азалий анъаналари, эзгу тутумлари бугун ҳам изчил давом этмоқда. Юртдошларимиз хонадонларида рубоб, дутор, доира каби муסיқий созларнинг осиглиқ туриши, тадбирларимиз, байрамларимиз соҳир куй-қўшиқ, наво жанрлиги билан ўтиши санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни катталигидан далolat.

Шу ҳисобга олинган ҳолда мамлакатимизда санъат ва маданият ходимлари меҳнати алоҳида эъзозлаб келинаётир. Уларнинг эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Театрлар, кино ва санъат саройлари замонавий андозлар асосида таъмирланмоқда. Санъат ва маданият ахлининг концерт-томоша тадбирлари, гастрол сафарлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Узоқ йиллар меҳнат қилиб, миллий маданиятимиз, санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса

қўшган, юртимиз шон-шухратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этган соҳа фидойилари давлат мукофотлари билан тақдирланиб келинмоқда. Кунги кеча Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирлангани сўзимиз исботидир.

Юртимизда маданият ва санъат равнақи йўлида амалга оширилаётган ишлар Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясида акс этган маънавий тараққийоти таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор чора-тадбирларга ниҳоятда ҳамоҳангдир. Мазкур ислохотлар эзгулик ва инсонпарварлик ахлоқий тараққийоти таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор чора-тадбирларга ниҳоятда ҳамоҳангдир. Мазкур ислохотлар эзгулик ва инсонпарварлик ахлоқий тараққийоти таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор чора-тадбирларга ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Бугунги байрам қайноқ меҳр инфодаси сифатида театр, цирк, кино, тасвирий ва амалий санъат, фольклор ҳамда мумтоз мақом санъати вакиллари, ўқитувчи ва мураббийлар, шоир ҳамда адиблар, хонанда, созанда ва бастакорлар, драматург ҳамда режиссёрлар, сахна рассомлари ва техник ходимлар, хунармандлар, музей-шунослар, республикамиз худудларида оммавий-маданий ҳамда концерт-томоша тадбирларини ташкил этиб, элимизга сидқидилдан хизмат қилаётган соҳаниннг барча ходимлари, жамики ижод ахлига дахлдордир. Ва бу, ўз навбатида, катта масъулият дегани ҳамдир.

Шу маънода, устозлардан қолган меросни асраб-авайлаб, уларни янги босқичда ривожлантиришимиз, Ватан тараққийоти, халқ фаровонлиги йўлида фидойийлик, шижоат кўрсатишимиз, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғувор ишга баҳолиқудрат ҳисса қўшишимиз энг шарафли ва зифамиз бўлиб қолади.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири.

Орамиздаги одамлар

XVI АСРДАН БУЁН АТТОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН СУЛОЛА

Унинг харидорлари орасида Мадлен Олбрайт ҳам бор эди.

Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги бинолардан бири пештоқига "Tea-House" ("Чойхона") деган ёзув туширилган. Халқ амалий санъати намуналари билан безатилган бу гўша бир жиҳати билан ажралиб туради. "Tea-House"да доривор гиёҳлар ва ўсимликлардан шифобахш чойлар тайёрланади, дастурхонга кунжут ҳолва, новвот, "Буюк Ипак йўли" дея номланган шарқона ширинликлар қўйилади.



— Биз атторлар сулоласиданмиз, — дейди чойхона соҳиби, меҳнат фахрийси Мирфайз Убайдов. — Сулоламиз тарихи XVI асрга бориб тақалади. Шахсан мен атторлик билан шуғулланган ота-боболаримнинг олти нафарини номма-ном биламан. Биласиз, атторлар қадим-қадимдан хушбўй, доривор гиёҳлар, рўзгорбоп майда жиҳозлар савдоси билан шуғулланишган.

Отaxonнинг таъкидлашича, атторлик табиб дегани эмас, у доришносо деган тушунчага яқин. Лекин бу касб эгаси халқ табибати, айниқса, Абу Али ибн Синодан хабардор бўлмоғи даржор. Мирфайз ота буюк аждодимизнинг асарларини ўқиган, унинг ўғитларига амал қилиб ишлайди.

"Tea-House"да уч хил шифобахш чой тайёрланади. Турли гиёҳлар солинган чой асабни тинчлантиради, қорин оғриғи, буйрак саллиқларига даво бўлади. Занжабиддан тайёрланган чой эса шамоллашга, йўталга қарши ичилади. Шафран, яъни заъфарон чойи эса юракка қувват беради. Ҳар бирини тайёрлашнинг ўз усули, сир-синоати бор, албатта. Сувбатдошимиз, дейлик, занжабил чой тайёрлашда долчин, қоқила каби жами бешта аралашма қўшилишини айтиди.

— Атторларнинг пири шаиҳ Фаридууддин Аттор Вали бўлади, — дейди Мирфайз ота. — У зот ҳар гал дуога қўл очганларида "Савдони бақолга, баракасини атторга берсин", дер экан. Бу бежиз эмас. Атторлик ортидан рўзгор тебратили айтишгагина осон. Лекин бу касбнинг баракаси борлиги аниқ.

Мирфайз ота атторлик сир-асрорини ўғли Миршаҳобага ўргатар экан, шунисиға шуқр қилади. Қўлидан дунёнинг танкичи сийёсатчи-лармо санъаткорлари, банкирлари чой инганини марок билан эслайди.

— Ҳанда 2000 йилнинг апрели эди, — дейди аттор. — Бухорога АҚШнинг ўша пайтдаги Давлат котиби Мадлен Олбрайт ташриф буюрди. Бир гуруҳ расмийлар ҳамроҳлигида шундоқ дунёнинг олдидан ўтаётди, доривор гиёҳларга қўзи тушди. Уларнинг фой-

дали хуСУСИЯТлари билан қизиқди. Шунда мен Олбрайт хоним ва унинг ҳамроҳларига пахтагулли пилёлаларда юракка қувват берувчи заъфарон чойидан тутдим. Чой меҳмонга маъқул бўлди. Кейинчалик эса у доимий миҳозларимдан бирига айланди. АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жозеф Прессел орқали қуритилган шифобахш чойлардан океанортига юбориб турдим. Айтмоқчи, Жозеф Прессел ҳам доимий миҳозим эди. Америка Қўшма Штатлариға сафар қилганимда унинг уйида меҳмон ҳам бўлганман.

Атторнинг сўзларида сира муболага йўқ. Яқинда вафот этган Мадлен Олбрайт хоним чиндан ҳам Ўзбекистонга, жумладан, Бухорога ташриф буюрганида, хунармандлар фаолияти билан яқиндан танишган, яхудиёлар қабристонини зиёрат қилган, масжиду мадрасалар, савдо тоқлари, қўна Арқни томоша қилиб, бухороликлар билан самимий суҳбатлашган. Ва ўшанда у дунё ҳамжамиятиға мурожаат қилиб, "Агар мусулмонлар ва яхудиёларнинг нақадар аҳил, тинч-тову, иноқ яшаётганини кўрмоқчи бўлсангиз, Бухороға бориңлар", деган эди.

Ҳоқиямиз қаҳрамони Мирфайз Убайдовға келсак, бизгача ўз вақтида у ҳақида "Вашингтон пост", "Нью-Йорк таймс" газеталарида ҳам ёзишган. Бухоронинг қадимий Бозоригул кўчасида умргуззаронлик қилаётган аттор шулар ҳақида мароқ билан сўзлар экан, "чойхонаға келаётганларға бухороча лафзада "оғзингизни ширин қилин", дея лутф этмоқчи инутмайди...

Истам ИБРОХИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) ўринларға профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади

Table with 3 columns: No., Description of position, and Rank. Includes positions like 'Natural resources technology', 'Technology machines', 'Mechanical graphics', etc.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан бирга кадрларнинг ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади. Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар эса синов дарсларини ўтказадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси 5-уй, 1-бино, 208-хона. Тел.: 71-253-17-78.

ЭЪЛОНЛАР

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, қучланиш ўзгаришиға мослаштирилган (фаза нумтаносиблиги).

12 ойлик кафолат. 5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси академиянинг Бошқарув маҳорати кафедраси мудири, психология фанлари доктори Ойбек Ҳайитовга онаси Хосият ЭШМУРОДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этади.

Advertisement for 'XALQ S'UZI' featuring 'ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ' and contact information for 'РЕКЛАМАКС'.

Large footer advertisement for 'XALQ S'UZI' featuring 'Народное слово' and contact details for 'РЕКЛАМАКС'.